“БОБУРНОМА”ДА “ЮКУНИШ” МУНОСАБАТИ

Ҳ.Қудратуллаев

В статье, основываясь на «Бабурнаме», показана роль поклонов («юкуниш») как в дипломатических, так и в межличностных отношениях Бабура; автором доказано, что поклоны были важным элементом дипломатического этикета при дворе тимуридов.

In this article were based on "Boburnoma", the role of bows ("Yukunish") both in diplomatic, and in the interpersonal attitudes Bobur is shown; to the author of proved, that the bows were the important element diplomatic ethics at a court yard Timorous.

Маънавиятимизга оид тарихий, бадиий ва бошқа асарларни мутолаа этар эканмиз, давлатчилик, юрт бошқаруви ва дипломатияга оид жуда кўп далиллар, фактлар, тасвирлар ва қайдларга дуч келамиз. Айниқса, XV-XVI аср давлатчилиги, унинг бошқарувида султон, бек, амир, қолаверса, темурий шаҳзодалар, улар атрофидаги шахсларнинг ўзаро муносабатлари киши диққатини кўпроқ ўзига тортади. Бу муносабатлар шахсий, уруғ-аймоқчилик ёки маълум хонаводлар доирасидан чиқиб шоҳлик, қолаверса, буюк империялар муносабатини ўзида акс эттириб келган. Гап йирик султонлик, хонликлар муносабатлари, улар орасидаги яраш ёки уруш масалалари ҳақида бормаяпти. Йўқ, бу ўринда юрт бошқаруви зиммасида бўлган шахслар ўзаро учрашганларида уларнинг бир-бирларига нисбатан қўллаган хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари орқали мартаба, мавқе ва шахсий таъсирларини ифода этишлари назарда тутилмоқда. Бир қарашда унча эътиборга лойиқ бўлмаган бу жиҳатда салтанат тарихи, шахс характери ва унинг воқеа, ҳодиса, сиёсий ҳолатни белгилашдаги мавқеи ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўламиз.

Масаланинг муҳим томони шундаки, шу зарраларда темурийлар салтанатидаги дипломатик муносабатлар ва унинг тарихи, шунга оид удумлар, масъул шахснинг расмий доираларда ўзини жамиятдаги мавқеига мос ҳолда тутиши, бу ҳаракатларнинг мазмун ифодаси алоҳида эътибор билан ўрганишга лойиқ. Бунда қадриятларимиздаги одоб, ахлоқ, ўзликни англаш, атрофдагиларни ҳурмат қилиш, салтанат шаъни-обрўси боис ўз нафсониятини енгиш, андишасизликка йўл қўймаслик ва бошқа кўпгина маънавий-ахлоқий масалалар ҳамоҳангки, бугунги ёшлар, умуман, шахс тарбияси учун буларни ўрганиш, бугунги ҳаётимизда ҳам ундан фойдаланиш муҳим. Биз юқоридаги масалалар ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарига таяниб мулоҳаза юритишни маъқул кўрдик.

Темурий султон ва шаҳзодаларнинг ўзаро муносабатлари, учрашувларидаги руҳий-психологик ҳолати, уларнинг каср-нафси ва бу хусусиятларнинг давлат бошқаруви, унинг таназзули ва ривожидаги таъсири, шахснинг жамият тараққиётидаги ўрнини Бобурчалик рўйи рост, аниқ, ҳамда давр руҳияти билан мос очиб берган адиб топилмаса керак. “Бобурнома” муаллифининг “юкундим”, “қўпмоқ”, “таъзим қилди”, “бурунғидек ўқ таъзим қилиб қўптум”, “кўрушурда уч қатла юкунуб”, “йигирма беш, йигирма олти қатла паёпай юкунди”, “юруб кўрушуб отланилди” каби сўз ва ибораларида биз юқорида зикр этган шахс характерининг турли қирралари ва давлат арбобининг мавқеини белгиловчи мазмун пинҳон.

“Бобурнома”да 1494-95-йиллар воқеаларини зикр этар экан, Бобур ҳали жуда ёш, отаси Умар Шайхдан айрилиб Андижон ҳокимиятини асраш, Самарқандни эгаллаш орзуси билан юрган пайтларини ёритади. Ўшанда Султон Аҳмад мирзо Андижонни қамал қилган, унинг укаси Султон Маҳмудхон ҳозирги Тошкент атрофи(Оҳангарон воҳаси)даги Шохрухияга келиб, ёш шаҳзода Бобурни сиёсий тангликда қолдирган пайт. Шунда Шоҳрухияга келган ёш Бобур “ора мунча ёвуқ бўлғонда хон, чун ота оғадурлар, бориб мулозамат қилсам, ўтган кудуратлар рафъ бўлғай, ироқда-ёвуқта эшитур, кўрарга яхши бўлғай” (51-бет) деган андишани ўртага қўйиб, хон бобоси ҳузурига боради. Бобур ёш бўлишига қарамасдан, ота қатори қариндошларини йўқлаш, муносабатдаги совуқчиликни юмшатиш, шу билан ғийбатчи, эл оғзини боғлаш, кўнгил кўтариш учун бу учрашувга келган.

Бобур катта хон бобоси олдига кирар экан, “уйга кириб уч юкундум” дейди. Ҳар юкунмоқ юкунувчи, юкуниш қаратилган шахснинг мансаби, жамиятдаги мавқеи, ким кимга бўйсуниши ва бошқа жиҳатларни аниқ билдирган. Юкуниш миқдори эса юкунган шахснинг маълум ғурурини, ночор ҳолатини билдирган. Бу темурийлар саройида қонунга айланган тартиб бўлган. Ўша пайтда Бобурнинг ёшлик дамлари, мулк бошқаришда тушкунлик пайти боис хон қошига кирганда уч марта юкунади. Бу катта хоннинг ёш шаҳзодага нисбатан меҳрини оширади, зеро уч марта(бир марта эмас) юкуниш юксак эҳтиром, бўйсуниш рамзи ҳисобланган: “Хон боғнинг ўртасида солғон улуғ чордара уйда ўлтуруб эдилар. Уйдин киргач, уч юкундум. Хон ҳам таъзим қилиб қўптилар.

Кўрушуб, ёниб юкунгандан сўнг ёнларига тилаб, қалин шафқат ва меҳрибонликлар кўрсаттилар».(51-бет).

Бу ҳолат Бобурнинг ёшлик пайтида, ҳали султон сифатида шаклланмаганида содир бўлганлигини айтдик. Аммо йиллар ўтиб, у Самарқанд, Андижон, Ахси, Кобулни эгаллаб, оёққа туради. Бадиуззамон, Музаффар мирзолардек шаҳзодалар унга эҳтиром билдиришиб, Ҳиротга, Шайбонийхонга қарши курашиш кенгашига чақиришади. Шунда Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон мирзо Бобур билан кўришганда, ўзига бино қўйиб таъзим қилмайди. Бу ҳол Бобур нафсониятига оз бўлса-да тегади. Нега? Бобур ўзини Бадиуззамон ва бошқа шаҳзодалар қатори тенг ҳуқуқли деб билган. Бадиуззамон Бобурга таъзим қилган, аммо рисоладагидек эмас. Бу сенга, яъни Бобурга эҳтиромим пастроқ, деган маънони билдирган ва Бобурнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган. Бобур бу ҳолатда ранжишга ҳаққи борлигини далиллар билан асослайди, ўзининг қадр-қимматини тиклашга эришади. Муҳаммад Бурундуқбек ва Зуннунбек каби Бадиуззамоннинг беклари орқали ўз эътирозини етказади. Масаланинг биз учун қизиқ томони — Бадуззамон Бобурга бирон сўз айтмаган, уни камситмаган, фақат унга бўлган муносабатини зодагонларда расм бўлган таъзимнинг аслича адо этмагани: “агарчи ёшим кичиктур, вале тўрим улуғдур, ота тахтидаким, Самарқанд бўлғай, икки навбат зарби рост олиб ўлтурубдурмен, бу хонавода учун ёт-ёғи билаким мунча жанг ва жадал қилибтурмен, менинг таъзимимда таъхир беважҳдур, бу сўз мазкур бўлғоч, чун маъқул эди, муътариф бўлуб, таъзимни хотирхоҳ қилдилар”.

Агар бу парчага яна диққат билан назар ташласак, Бобурнинг темурий шаҳзодалар орасидаги ҳуқуқий ўрни, султон сифатидаги мавқеи, Амир Темур вориси даражасидаги ҳуқуқи ўз аксини топган. Бобур “бу хонавода учун ёт-ёғи била мунча жанг ва жадал қилибдурмен” деб ўзининг исталган шаҳзода билан ҳуқуқан тенглиги, ҳатто ортиқлигига урғу бермоқда. У барча ҳаракатлари Амир Темур авлодлари ва хонадонини ёт душманлар, номуроса шаҳзодалар билан курашиб ўтказаётганлигига ишора қилмоқда. Шунча гап бир юкуниш, таъзим этиш жараёнида ўртага ташланмоқда, мулоҳаза мавзусига айланмоқдаки, бу муҳим экан.

Шундан сўнг Бадиуззамон мирзо ва Ҳирот аҳли Бобурнинг эътирозини тўғри қабул қилиб, унга нисбатан Ҳиротда юксак эҳтиром кўрсатадилар, меҳмон қилиб, қимматбаҳо ҳадялар инъом этиб эъзозлайдилар. Бобурнинг Бадиуззамон мирзо ҳаракати, муносабатига нисбатан эҳтиётккорлигига асос бор. У Ҳиротдаги шу сафарида, юқоридаги учрашувдан олдин, Ҳусайн Бойқаро ўғли Музаффар мирзо ва давр беги Ибни Ҳусайн мирзо билан ҳам кўришади. Бу учрашув ҳам Бобурга ёқмайди. Бунда очиқдан-очиқ Бобур шахсияти ва султонлигини маълум оҳангда менсимаслик кайфияти намойиш этилади. Бобур “Музаффар мирзо муболаға қилди, от устида кўруштук”(142) дейди. Бунда “муболаға” сўзи виқор, беписандлик, ўзини юқори қўйиш маъносида келмоқда. Музаффар мирзода Бобурга нисбатан меҳр, эҳтиром йўқ, шунинг учун у отдан тушмасдан кўришган. Султонига эргашиб Ибн Ҳусайн мирзо ҳам шу йўлни тутган, Бобурни менсимай, у ҳам отдан тушмасдан кўришган.

Шундан сўнг Бобур Бадиуззамон мирзо — катта шаҳзода билан кўришиши лозим бўлган. Бобур томонидан келтирилган мана бу кўришиш тартиб-қоидаси темурийлар саройида дипломатик жиҳатдан қонунийлашган бўлган. Бунда ҳар бир ҳаракат шахс мавқеи, вазифаси, рутбасини аниқ билдирган: “Бадиуззамон мирзонинг девонхона уйига еттук, муқаррар андоқ эдуким, мен уйдин киргач юкунгаймен. Бадиуззамон мирзо қўпуб араққа келгай, доғи кўрушулгай”(142) Бобур темурийлар қаламравидаги бу тартибни билганлигини ўзи айтиб турибди, аммо Бадиуззамон мирзонинг ёши катталиги, Ҳусайн Бойқародек Хуросон султонининг тўнғич фарзанди, яхши саркардалигининг салобати боис юқоридаги тартибга бўйсунмай, Бадиуззамон истиқболига бир оз шошилиб қадам босади ва унга интилмоқчи бўлади. Шунда Бобурнинг ёнида бўлган катта ёшли, тажрибали беги Қосимбекнинг интилиши билан бу хатолик ислоҳ этилади: “Мен уйдин киргач,бир юкундум, доғи бедаранг, мутаважжиҳ бўлдум, Бадиуззамон мирзо оҳистароқ қўпиб, сустроқ юриди. Қосимбек чун давлатхоҳ эди, менинг номусим анинг номуси эди, белбоғимдин бир тортти, воқиф бўлдум”(142). Демак ортиқча илтифот, биринчи бўлиб юкиниш,муқаррар жойдан ўтиб сўрашиш, Бобур фикрича, киши номусига салбий таъсир этади.Ана шу баҳони шартли мезон билиб, бошқа мисоллар таҳлилига ўтамиз.

Яна бир жиҳат: Бобур юкунишга оид саҳналарни завқ билан, диққат этиб, бадиий сайқал бериб тасвирлайди.Чунки юкуниш, таъзим этиш саҳнаси руҳий ҳолат заминида содир бўлади. Айниқса, сўз жамиятнинг турли рутба ва даражадаги шахслари, ғолиб ва мағлуб саркардалар ҳақида борар экан, янада жозибадорлик касб этди. Мана бу мисолга эътибор берайлик: Бобур узоқ муҳорабалардан сўнг энг катта рақибларидан бири Хисравшоҳнинг мағлубияти, забунлигининг

гувоҳи бўлган пайти. “Бобурнома” далилларига асослансак, Хисравшоҳ ва унинг атрофидагилари доимо Бобур лашкарлари билан урушиб, келишолмай келган. Бобур Султон Маҳмудхоннинг бу номдор беги ҳақида ўта салбий фикрда: “...Беш кун ўтар дунё чун бир ўзи ўстурғон валинеъматзодасини кўр қилди. Яна бирини ўлдурди. Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур”. Шу қатори Бобур бобоси Амир Темур империясини тиклаш мақсади боис ҳамиша Хисравшоҳбек кўп сонли (20-30 минг) лашкарга эга бўлишига ҳавас билан қарар эди. Бугун эса “Хисравшоҳни бир ярим кунда уруш йўқ, масоф йўқ, талаш йўқ, бизнингдек (яъни Бобурдек-Ҳ.Қ.) қаллаш ва мафлук икки юз-икки юз эллик кишининг қошида андоқ хору зор ва забун ва ожиз қилдиким, не навкариға ихтиёри қолди, не молиға, не жониға”.(105).

Биз Хисравшоҳнинг шахсий хусусиятига атайин қисқа бўлса ҳам тўхталдик. Бу мавзуимиз билан бевосита боғлиқ. Зеро, Бобур ана шу енгилган, ўзининг ибораси билан айтганда “забун ва ожиз” саркарда билан учрашган чоғини асосан “юкуниш” сўзи билан тўлиқроқ ифодалаган кўринади. Бунда Хисравшоҳнинг юкуниш миқдори орқали ўта ночор, ҳимоясиз, жон асрамоқчи бўлган асирнинг ҳолати акс эттирилган. Биз юқорида Бобурнинг хон бобосига (эҳтиром боис) уч юкунгани, Бадиуззамоннинг нимтаъзимини шарҳлаб ўтдик, Хисравшоҳнинг “йигирма беш, йигирма олти” марта юкунганини, охири “толиқиб тамом йиқила” қолганини назарда тутсак, унинг салтанатдан кетганлигининг бош мезонини “юкуниш”лари белгилаганини кўрамиз.

“Бобурнома”да “юкуниш” ҳамиша ҳам бўйсуниш, юқори мартабали шахслар рутбасига нисбатан паст даражани билдириб келмаган. У кўпчилик ҳолатда эҳтиром маъносини ҳам билдирган. “Бобурнома”даги бу ҳолат унинг муаллифи характери, дунёқараши, темурийлар хонадони аҳлининг кўпчилигига муносабати, кечиримлилиги, салтанат обрўси унинг шахсий номуси эканлигини ҳам ифодалаб келган.

1506-1507 йил воқеалари. Заҳириддин Бобур Султон Ҳусайн Бойқаро вафоти боис Бадиуззамон мирзо таклифи билан Ҳиротда бўлади. У ерда маълум муддат бўлиб, қайтиш пайтида Кобулда унга қарши фитна уюштирганлари, бунга энг яқин қариндошлари, жумладан, Бобурнинг буваси Шоҳ бегим хоним Ҳусайн Бойқаро ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзо билан тил бириктириб, ҳокимиятни эгаллашга киришадилар. Бобур бу фитнани босади. Унга энг алам қиладиган жойи ўз яқинларининг бу ишга бош қўшгани бўлади. Шу мисол бизга Заҳириддин Бобурнинг юксак инсонийлигини кўрсатади.

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Бобур салтанатига душманларча муносабатда бўлган, аҳли аёлларга “дуруштроқ, беадабанороқ” сўзлар айтган, аёллар ётоғига кириб шармандаларча беркинган. Бобур унга нисбатан жуда аламзада. “Мундоқ зишт ва шаниъ ҳаракатда иқдом қилди ва бу навъ шўр ва фитна ангиз ва бунёдиға эҳтимом айлади, агар пора-пора қилсам, ери бор эди, турлук-турлук-азобу уқубат била ўлмакка сазовор эди...” дейди. Бироқ у бу фикрини амалга оширмайди. Қариндош-уруғчилик, темурийзодалар шаънини ҳимоя этиш, унга доғ туширмаслик тушунчаси бор. Бобур “чун орада бир навъ уруғлуқ бўлуб эди, бу ҳуқуқни ёд қилиб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони озод қилдим”(151), дейди. Ана шу юксак одамийлик, темурийлар орасидаги бирликни асраш, нифоқни йўқотиш нияти Бобур табиатида кучлилигига мисол бу. Бунда икки темурийзода орасидаги низода бири жаҳолатга маърифат билан, калтабинликка юксак онг билан, ёмон аҳлоққа зиё билан жавоб бермоқда. Бу мисол бугун ҳам юксак тарбия дарси бўла олади. У одамларни инсоф, адолат, сабр, яхшилик ва эзгуликка чорлайди, атрофдагиларга меҳрибонлик кўрсатиш, шафқат билан ёндашиш инсонийлик мезони эканлигини намойиш этади.

Энди бу воқеанинг мавзуимизга дахлдор томонига қайтамиз: Муҳаммад Ҳусайн мирзо енгилган бўлса ҳам, ўринсиз ғурури Бобурга юкуниш, таъзим этишига йўл қўймайди. Аксинча, мулоҳазакор Бобур “уруғлик яқинлиги” эҳтироми боис ғазабини ютиб, ҳеч воқеа бўлмагандек, одатдагидек таъзим бажо келтиради. Бобурнинг “ўқ таъзим қилиб қўптум” дейиши юксак андишаси, инсонийлигига яна бир карра мисолдир: “Муҳаммад Ҳусайн мирзони хонимнинг тўшакхонасидан топиб, аркта менинг қошимға келтурдилар. Мен бурунғидек-ўқ таъзим қилиб қўптум, хейли ҳам дурушт юзга келмадик”(151).

Бобурнинг шу можаро билан боғлиқ яна бир қайди мағлуб гуруҳ — катта онаси Шоҳ бегим бошлиқ аёллар билан боғлиқ. Бобур Шоҳ бегимга жуда эҳтиром билан қараган. Ҳамма вақт унинг иззатини жойига қўйиб, Кобулга келганида шаҳарнинг энг мусаффо ери — Пағмонни ҳадя этган. Бироқ Шоҳ бегим ўз вақтида Бобурга кўп эътибор бермаган (“мен ва онам вилоят худ турсун, бир кент ва бир неча қуш эгаси бўла олмадук”) эди(151). Мана энди келиб, у фитнага ҳам бош бўлган. Бобурнинг бу воқеага муносабатида ҳам ахлоқан юксаклиги намоён бўлади: у мағлуб аёлларнинг юкунишини кутмайди, улар билан аввалгидек, мавжуд тартиб бўйича бориб кўришади. Уларнинг ночор ҳолати бир неча юкунишдан ортиқ, забунликлари букилиб таъзим этишдан қолмаслигини Бобур таъсирли сўз ва иборалар билан жуда моҳирона ифодалаган: “Шоҳбегим ва хонимлар бир уйда ўлтуруб эдилар. Доимғи ерда тушуб, бурунғудек адаб ва таъзим била юруб

кўруштум. Шоҳбегим ва хоним беҳад ва беқиёс музтариб ва мунфаил ва сарафканда ва хижил бўлубтурлар, не маъқул узр айта оладурлар, не мушфиқона сўрмоқ тарҳин сола оладурлар”(151).

Бобур юкунмоққа шунчаки расмий сарой ҳаракати сифатида қарамайди. У бу ҳолатга қонуний тус беради, унга сиёсат тилини бахш этади, унда султонзодалар ва сарой аҳли ўзаро муносабатларининг калитини кўради. Агар “Бобурнома”да у кимнингдир юкунганини ёзса, албатта, бунинг ҳуқуқий сабабини баён этади, воқеа иштирокчиси нега юкунганлигини изоҳлайди. Масалан, кунлардан бирида бир гуруҳ султонзода аёллар, эркаклар Кобулга Бобурни йўқлаб келадилар, у меҳмонлар жойлашган боққа боради ва буни қуйидагича баён этади: “Чун эгачи эдилар таъзим ва эҳтиромлари жиҳатидин юкундум, алар ҳам юкундулар, юриб орада кўрушулди. Сўнгралар доим бу қоидани маръий тутарлар эди” (172). Эътибор берайлик: Бобур ўз юкунишини икки сабаб билан изоҳламоқда. Биринчидан, меҳмонлар олдинроқ Бобурга таъзим ва эҳтиром бажо келтирганлар ва шу боис у ҳам юкунган. Энг муҳими, келганлар Бобурнинг қариндош-жондошлари (“эгачи эдилар”). Юруб орада кўришиш — бу бетарафлик, тенг ҳуқуқлилик. Шу, биринчи учрашувдаги ҳолатни Бобур “қоида” деб номламоқда ва бу қоида меҳмонлар кетгунга қадар амал қилганлигини ёзади. Кўрамизки, темурийлар саройида дипломатик муносабатлар — протокол хатти-ҳаракатлар кенг, батафсил ишланган, жорий этилган ва уларга шаксиз амал қилинган.

Фикримизни қувватлаш учун яна бир мисолга мурожаат этамиз. Бобур Ҳирот сафарида бўлганида Султон Ҳусайн мирзонинг мадрасасида бир гуруҳ султонзода бегимлар: ўзининг аммаси Поянда Султонбегим, Ҳусайн Бойқаронинг катта хотини Хадичабегим, Офоқбегим, Султон Абусаид мирзонинг қизлари, ўзининг амма бегимлари билан учрашади: “Барча бегимлар мирзонинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдум. Аввал Поянда Султонбегим била юкунуб кўруштум, андин сўнг Офоқбегим била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштум”(144). Бобур “юкунмоқ” сўзига бунча урғу бермоқда?! Бизнингча, аммаси Поянда Султонбегимга юкунмасдан илож йўқ: ҳам ёши катта, ҳам унга бўлган эҳтироми юксак. Саройдаги мавқеи боис, Хадичабегимни хуш кўрмаса-да (“ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй хотун эди, рофизия ҳам экандур”), Ҳирот сиёсий муҳитида таъсири катталиги, Ҳусайн Бойқаронинг суюкли хотини эканлиги боис унга ҳам юкунади. Аммо Ҳирот зодагонлари доирасида унча маълум бўлмаган Офоқбегимга “юкунмадим”, дейди. Бобур бунда эҳтиромнинг юкуниш орқали ифодаланишини ёрқин мисол орқали берган. У аёлларга эҳтиром бажо келтирган, аммо ҳаммага эмас, яъни зодагонлар доирасидаги барча аёлларга султоннинг юкуниши лойиқ эмас, демоқчи.

Бобур учун юкунмоқ жараёнининг сиёсий муносабатларда, шахс мавқеи даражасини, ахлоқий сифатларини намоён этишдаги ўрни жуда муҳим бўлганлигини таъкидлаб ўтдик. У бутун умри давомида шу ҳолатга жиддий урғу берган, юкунганнинг ҳолатидан келиб чиқиб қадрлаган, юкунмаганни ҳам эътиборидан четда қолдирмаган. Айрим ҳолларда бўйсунишга бўйни дов бермаган шахсларни мажбуран юкунтирган, шу билан улар устидан ғолиблигини исбот этган. Масалан, Бобур Ҳиндистонни забт этишга киришар экан, кўп жойни ўз тасарруфига киритади, шу қатори маҳаллий бек, рожа, амалдорларга ер, бойлик, амалларини қайтариб беради. Уларнинг кўпи Бобур билан муроса-мадорада иш кўради, аммо Давлатхон ва унинг ўғли сингарилар қўлларига қилич олиб курашни давом эттирадилар. Кейинроқ асир тушган бу ота-бола Бобур ҳузурига келтирилади. Бобур ёзади: “Илгаррак келтурдилар. Буюрдимким, қиличларни бўйнидин олдилар. Кўрушур вақт юкунмакта таҳир қиладур. Буюрдумким, оёғини тортиб юкундурдилар”(188). Матндан кўриниб турибдики, Бобур асир душманининг эгилмаслигига қарамасдан, олдин “оёғини тортиб, юкундуриб”, кейин у билан гаплашган.

Биз темурийлар салтанатидаги бир қоида — юкуниш ва у билан боғлиқ айрим ҳаракатлар ҳақида фикр билдирдик ва шу асно қадриятимизга тааллуқли тарих, ахлоқ-одоб дарсининг зикр этилганини кўрдик. Заҳириддин Бобурдек юксак адибларнинг асарларини диққат билан ўрганиш кишида чидам, бардош, юртни асраш каби хислатларни тарбиялашга асос бўлади, унга олам-олам завқ бағишлайди. Булардан ташқари, биз яна бир карра Заҳириддин Бобурнинг шахсияти, жамият, юрт, салтанатга бўлган муносабатини билиб оламиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
2009 йил 14 сентябрда қабул қилинган.